**ДИЛРАБО НОРҚУЛОВА**

# ГУЛУ ГУЛ ЎЙНАГАН МЕНМАН

*Шеърлар*

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 821.512.133
КБК: 84(5Ў)7
Н – 79

Н – 79 **Норкулова, Дилрабо**
Гулу гул ўйнаган менман: Шеърлар – Т.: «Sharq», 2014. – 48 б.

ISBN 978-9943-26-220-1

**УЎК: 821.512.133**
**КБК: 84(5Ў)7**

**ISBN 978-9943-26-220-1**

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2014.

## ОНАМГА МАКТУБ

Меҳр – кўзда, дейдилар,
Сеҳр – сўзда, дейдилар.
Меҳри суйган юракни
Парча муз-да, дейдилар.

Ўзим узоқдаман-у,
Кўнглим сизда, онажон.
Сиздан бошқа яқин йўқ
Шоир қизда, онажон.

Қишлоғим кўз олдимда,
Сиз борсиз – дўст олдимда.
Нима қилай, шу… шеърга
Сал боғланиб қолдим-да.

Сал эркароқ ўстирган
Ўзингиз-ку, онажон.
Менда завқлар уйғотган
Сўзингиз-ку, онажон.

Қия-қия далалар,
Қирмиз-қирмиз лолалар.
Гул отгану гап отган
Қиякўзли болалар.

Деҳқон болаларига
Тўрт фасл – иш, онажон.
Менинг ишим – гап сотиш
Ва соғиниш, онажон.

Нақадар хуш – ер ҳиди,
Хирмон ҳиди, тер ҳиди.

Гоҳо нафасим бўғар
Енгил-арзон шеър ҳиди.

Дилда кундан кун юртнинг
Қадри ортар, онажон.
Куйламасам кўнгилнинг
Дарди ортар, онажон.

Ишдан қайтади дадам,
Уйда кичкина байрам.
Бундан ортиқ бахт борми –
Оиламиз жамулжам.

Мен ҳам ўша кунларни
Кўп қўмсайман, онажон.
Бахт-орзуни бир жойда
Кўрсам дейман, онажон.

Олма пишгунича то,
Сакраб тушгунича то,
Бу томонда, шаҳарда
Қанча турланар дунё.

Шаҳарда вақт чопоғон
Тойга ўхшар, онажон.
Олмафуруш ҳам катта
Бойга ўхшар, онажон.

Зорланиш бу – хорланиш,
Хорланиш – абгорланиш.
Изла, дейсиз яхшилик,
Яхшилар билан таниш.

Ёмонларга юзимни
Ёпиб олдим, онажон.
Мен Пойтахтда ўзимни
Топиб олдим, онажон.

## УЙҒОНСИН

Майсалар уйғонди, кўз очди гуллар,
Уйғонди суманбар, сарву сунбуллар.
Юраклар уйғонсин, диллар, кўнгиллар,
Эртакларда қолган алплар уйғонсин,
Тафаккур уйғонсин, қалблар уйғонсин.

Гул термоқ бошқаю юлмоқ бошқадир,
Ғофиллар бошқаю гумроҳ бошқадир,
Уйғоқлар ўзгадир, огоҳ бошқадир,
Юракда ҳақ деган зарблар уйғонсин,
Тафаккур уйғонсин, қалблар уйғонсин.

Маккор замона бу, доғули дунё,
Ярми асал, ярми оғули дунё,
Ярми сиртлон, ярми оҳули дунё,
Меҳру шафқат деган тафтлар уйғонсин,
Тафаккур уйғонсин, қалблар уйғонсин.

Даҳоларинг уйғоқ, Темуринг уйғоқ,
Жайҳун ортларида Бобуринг уйғоқ,
Исломинг уйғоқдир, ғururинг байроқ,
Энди келаётган сафлар уйғонсин,
Тафаккур уйғонсин, қалблар уйғонсин.

## ЧОҒИДИР

Тингланг, ҳикмат сўйлаётган
Азим чинор япроғидир.
Мозийлардан садо берган
Тўлқин-тўлқин титроғидир,
Бу Темурбек туғёнидир,
Темур Маликнинг оҳидир,
Тўмариснинг сўроғидир
Ҳам Широқнинг нигоҳидир,
Ьелни боғлаш чоғидир бу,
Ўзни чоғлаш чоғидир!

Кўкка боқсанг Бибихоним
Суврати кўз олдида,
Ерга боқсанг Ялангтўшнинг
Турбати кўз олдида,
Кунга боқсанг бобурийнинг
Шиддати кўз олдида,
Сенга куч берган боболар
Хокию тупроғидир,
Белни боғлаш чоғидир бу,
Ўзни чоғлаш чоғидир!

Давраларнинг тўри  сенга
Мунтазир, сен ҳақлисан,
Оллоҳимнинг суюгисан,
Авлиёлар аҳлисан,
Бахтли бўлсанг бир бўлиб,
Якдил бўлиб сўнг бахтлисан,
Улуғ зот байроғидир бу,
Орият белбоғидир,
Белни боғлаш чоғидир бу,
Ўзни чоғлаш чоғидир!

## КЎКЛАМ

Келди кўклам, кулди олам,
Бўйин солди ҳулволар.
Офтоб тегиб дилларда ҳам
Унди меҳригиёлар.

Кўнгиллардан кўнгилларга
Кўприк солди камалак.
Гоҳ гулларга, гоҳ дилларга
Қўниб ўйнар капалак.

Наврўз сайли йигитлар шўх,
Қизлар сочи жамалак.
Ўзбекмомо дуо билан
Улашади сумалак.

Озод элим, обод элим,
Янги кунинг муборак.
Янги куннинг тароватi
Яхши кунлардан дарак.

Она халқим орзуси – оқ,
Ойдан ойдиндир тилак.
Тинчлик керакдир оламга,
Мусаффо осмон керак.

## СЕВГИ НИМА?

Севги нима? Азобми
Ё роҳатми, билмадим.
Тизгинсиз изтиробми,
Ё тоқатми, билмадим.

Севги нима? Жамбулми
Ё райҳонми, билмадим.
Гижинглаган дулдулми
Ё қоплонми, билмадим.

Севги нима? Юлдузми
Ё шамолми, билмадим.
Новвот тусли кундузми
Ё заволми, билмадим.

Севги нима? Эртакми
Ё чинмикин, билмадим.
Бемажол капалакми,
Лочинмикин, билмадим.

Севги нима? Ёқутми
Ё чақиртош, билмадим.
Ҳайқириқми, сукутми,
Ёки кўз ёш билмадим.

Севги нима? Эҳсонми
Ё қарғишми, билмадим.
Мукофотми, унвонми,
Ё ташвишми, билмадим.

Севги нима? Ҳа, Сиздан
Сўрамоққа ҳақлиман.
Билмайман-да бахтсизман,
Билмайман-да бахтлиман.

## САВОЛ

Нега уни кўзимга
оловдек қилиб қўйдинг,
Исмини юрагимга
тумордек илиб қўйдинг,
Чоклар солиб бағримга,
беаёв тилиб қўйдинг,
Ўз ҳолимга қўймадинг,
найлай энди, художон,
Тутам нур бер, ярамни
бойлай энди, художон.

Ҳар бир замоннинг ўзга
тошу тарозуси бор,
Ҳар авлоднинг ўзгача
маслаги – орзуси бор,
Минг шукрким, бугуннинг
ишқ деган туйғуси бор,
Шу туйғуни туйибман,
найлай энди, художон,
Сочим билан қўлимни
бойлай энди, художон.

Гарчи Фарҳод олисда,
гарчи мажнунлар эртак,
Севги кимгадир юмуш,
севги кимгадир эрмак,
Толеимда бор экан
афсона бўлиб юрмак,
Лайлоларга дарддошман,
найлай энди, художон,
Занжирларни бўйнимга
бойлай энди, художон.